



Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи яхшироғидир. Сизларнинг яхшиларингиз аёлларига яхшилик қиладиганингиздир», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи яхшироғидир. Сизларнинг яхшиларингиз аёлларига яхшилик қиладиганингиздир», дедилар».

[Ҳасан] [Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг иймони комилроғи хулқи чиройлиси эканини хабар бердилар. Бу нарса – очик юз, яхшилик қилиш, чиройлик гапириш, озор бермаслик ила бўлади. Мўминларни яхшироғи жуфти ҳалоли, қизлари, опа-сингиллари ва қариндошлари каби аёлларга гўзал хулқда бўлганидир. Чунки улар яхши хулққа энг лойиқ инсонлардандир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5792>

